

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ
МАРКАЗИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АГРОХИЗМАТЛАР МАРКАЗИ**

**АКАДЕМИК М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК
ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**Қорақалпоғистон Республикасида боғлар ва токзорларни
барпо қилиш бўйича**

ТАВСИЯНОМА



AKIS

**QISHLOQ XO'JALIGIDA BILIM VA
INNOVATSIYALAR MILLIY MARKAZI**

Нукус – 2022 йил

Ушбу тавсияномада Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида, мевали боғларни ва токзорларни барпо этиш, кўчатларни экиш схемалари ва муддатлари, пайвандтагларни танлаш, куз-қиш мавсумида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда мева-узум навларини қисқача тавсифи бўйича тавсиялар берилган.

1. Кўчат экиш учун майдонни тайёрлаш. Кузда кўчат экиш учун танлаб олинган майдон плантаж плуги билан 50-60 см чуқурликда хайдалган бўлиши керак. Агарда майдон хайдалмаган бўлса, баҳорда 35-40 см чуқурликда ер хайдалиб қатий тарзда лазер текислагичида текисланади, бу эса ўз навбатида сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш самарадорлигини 2-3 баробарга оширади, ҳамда кўчат экиш учун режа тортилади ва кўчатлар экилгандан кейин бошқа боғлар қатори қишда шўр ювиш ишларини амалга оширириш лозим.

Олинадиган ҳосилдорликни миқдори фақат нав ва пайвандтагдан, агротехника савиясидан эмас, балки ўсимликларнинг қатор ораси ва дарахт оралиғига ҳам боғлиқ.

Майдонда қанча кўчат кўп бўлса, ҳосил шунча кўп бўлади, лекин дарахтларнинг жойлашиш зичлигининг ҳам чегараси бор. Бу дарахтларнинг ҳажмига ва қатор ораларининг техника билан ишлов бериш даражасига ҳам боғлиқ. Ҳосилни сифати ва миқдorigа дарахт танасига тушадиган ёруғликни сифати ва миқдorigа ҳамда шамол ҳаракатланишига узвий боғлиқ.

2. Кўчат экиш. Кўчат экиладиган чуқурларни чуқурлиги ва кенглиги 60×60 см бўлиб, чуқур қазишда тупроқ устининг 20-25 см унумдор қисми чуқурнинг бир томонига олиб, чуқурнинг қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Чуқурга кўчат экишдан олдин 350-400 г фосфорли, 30-40 г калий ўғити ҳамда 8-10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади.

Кўчатни экишдан олдин алоҳида тайёрланган шатмоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 қилиб қаймоқсимон қилиб тайёрланади), ботириб олиб экилади. Кўчат чуқурга қуйилиб, олдин олинган унумли тупроқ чуқур тагига солиниб, кейин олинган унумсиз ўғит билан аралаштирилган тупроқ билан тўлдирилиб, илдиз пайванд қилинган жойи тупроқдан 2-3 см юқорида бўлиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўла сув қуйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади.

3. Кўчатларни парваришлаш. Экилган кўчатлар вегетация даврида кўчатларнинг атрофлари қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун юмшатиб турилади. Тупроқ шароитига қараб, вегетация даврида зарур намликни таъминлаш учун албатта томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш талаб этилади.

Янги экилган кўчатларни дастлабки даврида сув билан таъминлашга катта эътибор бериш зарур. Кўчатлар тўлиқ кўкариб кетиши учун (агар томчилатиб суғориш системалари ишга тушмаган бўлса) кўчат атрофини айлана шаклида ариқ олиниб, ариқ тўлгунча сув қуйиш лозим ёки ариқ орқали суғорилса, кўчат атрофидан сувни айлантириб ўтказиб суғориш зарур. Тупроқ намлигини доимий сақлаш мақсадида 12-14 мартагача суғорилади.

Ёш боғларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ даражаси анча паст бўлади. Шунинг учун зарурият туғилган ҳолда касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини қўллаш зарур.

4. Томчилатиб суғоришнинг ўзига хос жиҳатлари. Томчилатиб суғориш экинларни суғориш усуллари орасида нисбатан янги саналади ва унинг ўзига хослиги сувни босим остида ўсимликкача етказиб бериши билан белгиланади.

Томчилатиб суғориш тизими ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжига тенг миқдордаги сувни зарур муддатда унинг илдиз қатламига етказиб беришга мўлжалланган сув тақсимловчи доимий тармоқдан иборат.

Томчилатиб суғоришнинг бошқа суғориш усулларида фарқли жиҳати шундан иборатки, мазкур суғориш усулида тупроқнинг намлиги ва уни яратиш учун берилаётган сув бошқарилади.

Одатдаги эгатлаб суғориш усулида сув эгатга оқизилгандан сўнг даланинг бир қисмида тупроқнинг намлиги ҳаддан ортиб кетса, бошқа қисмида сув яхши оқмаганлиги туфайли тупроқ яхши намланмайди. Томчилатиб суғоришда эса сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда берилади. Шундай қилиб даланинг экин жойлашган жойлари бир хилда намланади. Тупроқда ортиқча намликнинг юзага келишига йўл қўйилмайди. Эгатлаб суғорилганда суғоришдан кейин тупроқда намликни ҳаддан зиёд ортиши экинни сувга бўқтирса, суғоришлар орасидаги вақтнинг узоқлиги оқбатида тупроқ қуриб кетиб ўсимликни сувсиз қолдиради.

Навбатдаги суғоришда экин яна сувга бўқади, ундан кейин эса яна сувсиз қолади, яъни стресс ҳолатларга тушади. Натижада ўсимлик ўз энергиясини шу стресс ҳолатларни енгишга сарфлашга мажбур бўлади ва бир текис ривожлана олмайди. Томчилатиб суғоришда эса экин илдиз қатламининг намлиги бир хилда ушлаб турилади ва экин бир текис ривожланади. Томчилатиб суғоришда экиннинг илдизи ривожланадиган тупроқ қатламида ўсимлик учун оптимал бўлган тупроқнинг сувфизик режими яратилади.

5. Шакл бериш. Уруғлик мевали дарахтларга асосан кузда ва данакли мевали боғларда эрта баҳорда шакл бериш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон шароитида пакана пайвандтагда экилган интенсив боғларда кўчатларга 60 см юқоридан кесилиб, шакл берилади. Четдан келаётган кўчатларни веретина шаклида, яъни асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилади, яъни шохлатилади. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохида штамби учун 50 см қолдирилиб, ундан юқорисига 8-10 кўз қолдирилиб, ундан сўнг яна шип 3 та кўз қолдирилиб, ортиқчаси кесилади.

Келажакда етарли шохлаши учун 50 см. танасидан юқорида жойлашган 3 кўз ойсимон шаклида (кўчат кўчатхонасида шохламаган бўлса) кўзни ўсиши қисмидан кербовка (кесиш) қилинади ва яна учта кўз ташлаб яна учта кўз тўғри чизиқ шаклида кесимида (кербовка) қилинади. Бу жараёни кўчат яхши ўса бошлаган даврида қилса яхши натижа беради. Шохланган шохлар июль-август ойларида 90° эгилади ва боғланади. Ёш ўсган новдаларда мева куртакларини ҳосил қилиш мақсадида улар маълум вақтда чилпиб (чеканка) турилади. Бу усул мева куртакларини кўпроқ ҳосил бўлишини таъминлайди.

6. Темир бетон устунлар ўрнатиш ва сим тортиш. Экилган кўчатларни биринчи йилни ўзида симбағазларга боғлаб, парвариш қилиш учун темир бетон устунлар ўрнатилинади.

7. Кўчатларни симбағазларга боғлаб парвариш қилиш. Янги экилган олма, нок боғларига темир бетон устунлар ҳамда сим тортилгач, кўчатларнинг новдалари симларга боғлаб чиқилади ҳамда келажакда новдалар ўсиб, ривожланиши учун парвариш ишлари олиб борилади.

8. Ўғитлаш. Ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмида ҳар бир кўчат атрофига 100-120 г дан азотли ўғит солинади. Иккинчи марта июнь ойида шунча миқдорда яна азотли ўғит солинади.

Томчилатиб суғориш системаси мавжуд бўлган боғларда барча минерал озукаларни сув орқали топчилатиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўғитни ўзлаштириш самарадорлиги анча юқори бўлади.

Ёш пакана пайвандтагли боғлар орасига биринчи иккинчи йиллар сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш мумкин. Учинчи йилдан тушбу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов берилиши сабабли экинлар экилмайди (Ҳайдаш, ўғитлаш, кимёвий ишлов бериш).

Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда кўчатларнинг қатор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади.

Кузда ноябрь ойида фосфорли ҳамда калий ўғит, яъни гектарига 90 кг, фосфор 45 кг калий ва 10 т органик ўғит солиниб чопилади.

Янги экилган интенсив боғлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради, 4-5 йили тўлиқ ҳосил бера бошлайди.

**Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этиладиган боғ ва токзорларга
экишга тавсия этиладиган мевали ва ток кўчат турлари, навлари ҳамда
экиш схемаси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Экин тури	Нав номи	Пайвандтаг тури	Экиш схемаси (м)	Кўчатлар сони (1 га/ дона)
Нукус туманида					
1	Олма	Феруза	М-IX	3×1,5	2222
			ММ-106	5×3,5	570
		Вилимис прой	М-IX	3×1,5 4×1,5	2222 1666
			ММ-106	5×4 5×3,5	500 570
			ММ-106	5×4 5×3,5	500 570
			ММ-106	5×4 5×3,5	500 570
2	Нок	Стар кримсон	ВА-29	5×3	666
			Айва-А	4×3	833
		Сары Гузаль	ВА-29	5×3	666
			Айва-А	4×3	833
3	Беҳи	Самаркандская крупноплодная	ВА-29	5×4	833
			Айва-А	4×3	666
		Изобильная	ВА-29	5×4	833
			Айва-А	4×3	666
4	Гилос	Баҳор	Олча	5×4	833
		Дрогана жёлтая	Гизела-5	5×4	500
5	Ўрик	Оренж Рубиста	GF-677	5×4	500
		Субхони	GF-677	5×4	500
6	Шафтоли	Старт	GF-677	4×1,5	1666
		Малиновый	GF-677	4×1,5	1666
7	Олхўри	Исполинская	Эврика 99	5×4	500
		Чернослив Самаркандский	Фартуна	5×4	500
8	Олча	Подбельская	Кримский-5	4×1,5	1666
		Шпанка чёрная	Кримский-5	4×1,5	1666
9	Анор	Ачиқ-дона	-	4×1,5	1666
		Казак-анар	-	4×1,5	1666
10	Олтинсим он қорағат	Плотномая	-	3×1	3333
		Рухсона	-	3×1	3333

11	Анжир	Кадота	-	4×3	833
		Узбекский желтый	-	4×3	833
12	Чилон жийда	Та-ян-цзао	Мелкоплодный кислый №1	6×6	277
		У-син-хун	Мелкоплодный кислый №1	6×5	333
13	Узум хўраки навлар	Тойфи розовий	Симбоғаз усулида -	3×2,5	1333
		Хусайни белый	Войиш усулида	3x2	1666
				4x2	1250
				4x3	833
4x4	625				
14	Кишмишб оп навлар	Қора Кишмиш	Войиш усулида	3x2	1666
				4x2	1250
				4x3	833
				4x4	625
		Симбоғаз усулида	3×2,5	1333	
15	Шаропбо п навлар	Саперави	Симбоғаз усулида	3×2	1666
Тўрткўл туманида					
1	Олма	Стар кримсон	M-IX	3×1,5 3x1	2222 3333
			MM-106	5x4 5x3,5	500 570
		Пинке леди	M-IX	3x1,5 4×1,5	2222 1666
			MM-106	5x4 5x3,5	500 570
2	Нок	Стар кримсон	BA-29	5×3	666
			Айва-А	4×3	833
		Девичи	BA-29	5×3	666
			Айва-А	4×3	833
3	Беҳи	Самаркандская крупноплодная	BA-29	5x4	833
			Айва-А	4x3	666
		Изобильная	BA-29	5x4	833
			Айва-А	4x3	666
4	Гилос	Ревершон	Кримскаий-5	5×4	500
		Дрогана жёлтая	Гизела-5	5x4	500
5	Ўрик	Субхони	GF-677	5x4	500
		Юбилений Навоий	GF-677	5x4	500
6	Шафтоли	Старт	GF-677	4x1,5	1666
		Лола	GF-677	4x2 4x3	1250 833

7	Олхўри	Чернослив Самаркандский	Фартуна	5x4	500
		Супериор	Mirabolano	4x1,5 4x2	1666
8	Олча	Подбельская	Кримский-5	4x1,5	1666
		Шпанка чёрная	Кримский-5	4x1,5	1666
9	Анор	Ачик-дона	-	4x1,5	1666
		Казаке-анар	-	4x1,5	1666
10	Олтинсим он қорағат	Плотномыся	-	3x1	3333
		Рухшона	-	3x1	3333
11	Анжир	Кадота	-	4x3	833
		Узбекский желтый	-	4x3	833
12	Чилон жийда	Та-ян-цзао	Мелкоплодный кислый №1	6x6	277
		У-син-хун	Мелкоплодный кислый №1	6x5	333
13	Узум хўраки навлар	Тойфи розовий	Симбоғаз усулида -	3x2,5	1333
		Хусайни белый	Войиш усулида	3x2	1666
				4x2	1250
				4x3	833
4x4	625				
14	Кишмишб оп навлар	Қора Кишмиш	Войиш усулида	3x2	1666
				4x2	1250
				4x3	833
				4x4	625
Симбоғаз усулида	3x2,5	1333			
15	Шаропбо п навлар	Саперави	Симбоғаз усулида	3x2	1666
Беруний туманида					
Т/р	Экин тури	Нав номи	Пайвандтаг тури	Экиш схемаси (м)	Кўчатлар сони (1 га/ дона)
1	Олма	Боровинка Ташкентская.	ММ-106	5x4 5x3,5	500 570
		Фарангиз	ММ-106	5x4 5x3,5	500 570
		Ренет симиренко.	М-IX	4x1,5 3,5x2	1666 1428

			ММ-106	5x4 5x3,5	500 570
2	Нок	Зимня нашваты 2	ВА-29	5x3	666
			Айва-А	4x3	833
		Лесная красавица	ВА-29	5x3	666
			Айва-А	4x3	833
3	Беҳи	Самаркандская крупноплодная	ВА-29	5x4	833
			Айва-А	4x3	666
		Изобильная	ВА-29	5x4	833
			Айва-А	4x3	666
4	Шафтоли	Лола	GF-677	4x2 4x3	1250 833
			Хилола	GF-677	4x2 4x3
		Малиновый	GF-677	5x4	500
		Кардинал	GF-677	5x4	500
5	Ўрик	Субхони	Mirabolano	5x4	500
		Юбилений Навоий	Mirabolano	5x4	500
		Руҳи джуванон Миона	Mirabolano	5x4	500
6	Олхўри	Чернослив Самаркандский	Mirabolano	4x1,5 4x2	1666
		Венгерка Фиолетовая	Mirabolano	5x4	500
		Исполинская	Mirabo-lano	5x4	500
7	Олча	Подбельская	Кримский-5	4x1,5	1666

		Любская 15	Кримский-5	4x1,5	1666
8	Анор	Казаке-анор	-	4x2	1250
		Аччиқ-дона	-	4x2	1250
9	Анжир	Қора анжир	-	5x4, 5x5	500, 400
		Крымский 29	-	5x4, 5x5	500, 400
10	Узум хўраки навлар	Тойфи розовий	Симбоғаз усулида -	3×2,5	1333
		Ҳусайни белый	Войиш усулида	3x2	1666
				4x2	1250
				4x3	833
				4x4	625
		Ҳусайни мускатный	Симбоғаз усулида	3×2,5	1333
11	Кишмиш боп навлар	Қора кишмиш	Симбоғаз усулида	3×2,5	1333
12	Шароббо п навлар	Саперави	Симбоғаз усулида	3×2	1666